

Ли Куан Ю ҳаётига бир назар

Жорий йилнинг 12 сентябрь куни Ўзбекистон Миллий кутубхонасида академик М.Раҳманов ва Б.Зариповларнинг "Истеъдодли инсонлар мамлакатнинг бебаҳо бойлигидир -Ли Куан Ю ҳикматлари" номли китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда академиклар, олимлар, ёзувчилар, кутубхона фойдаланувчилари ҳамда "Ер ресурсларини бошқариш" факультетининг 1 - курс талабалари иштирок этишди.



Таниқли олимлар М.Раҳматов ва Б.Зариповлар томонидан Ли Куан Ю ҳаётига бағишилаб тайёрланган ушбу қўлланма дурдана китоблар сирасига киради десак, асло муболаға бўлмайди. Негаки кўпчилик мутахассислар азму-шижоатда, ғайрату жасоратда, ақлу-заковатда Ден Сяопин, Ли Куан Юга қиёс этилаётган Президент Ш.Мирзиёевнинг кейинги З йилда амалга оширган туб ислоҳотларининг моҳиятини тушуниб этиш, уларнинг истиқболига ишонч кўзи билан қараш ҳамда қўллаб-қувватлаш учун мазкур рисола ҳар бир раҳбар, ҳар бир тадбиркор, ҳар бир юртдошимизнинг кундалик қўлланмасига айланмоғи даркор.



Ушбу китоб катта-кичик барча раҳбарлар, ишбилармонлар, олимлар, изланувчилар, хуллас Ватанимиз тақдирига бефарқ бўлмаган кенг китобхонлар учун мўлжалланган десак тўғри сўзлаган бўламиз. Барча иштирокчилар ўз нутқида талабаларга китоб тўғрисида керакли маълумотлар бериб ўтишди. Айтиш мумкинки, ушбу тадбирдан талабаларимиз ўзларига керакли маълумотларни олишди. Шунингдек, барча 1 курс талабалари кутубхонага аъзо бўлиб қайтишди.

ЕРБ факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан муовини Ҳуррият Эшова ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов